



ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЁШ АВЛОДНИ МИЛЛИЙ ФОЯРХИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ ЗАРУРИЙЛИГИ

Эргашев Анвар Рамазанович

Самарқанд давлат тиббиёт институти

Ижтимоий ва гуманитар фанлар кафедраси асистенти

Хозирги давр - дунёгий қарама-қаршиликлар мураккаб тус олган, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучлирок бўлиб бораётган даврdir. Бутун Ер юзи одамзод учун ягона макон бўлиб ҳисобланади. Аммо тарихда мавжуд чегараларни ўзгартириш, муайян худудларни босиб олиш учун сон-саноқсиз урушлар бўлган. Бу жараёнда эса уруш қуроллари мунтазам такомиллашиб борган. Мазкур урушлар то XX асрдагача асосан кўпроқ бир ё икки давлат ёхуд минтақа ўртасида бўлган. XX асрда рўй берган иккита жаҳон урушида ўнлаб давлатлар, бир неча қитъа мамлакатлари иштирок этган. Фақатгина иккинчи жаҳон урушида 60 дан ортиқроқ мамлакат иштирок этган.

Демак, уруш қуроллари такомиллашиб бораверди. Бугунги кунда улар бошқа худудни босиб олиш у ёқда турсин, балки бутун Ер сайёрасидаги ҳаётни бир неча марта йўқ қилиб ташлашга етади. Инсоният XX аср охирига келиб бир қатор чегара билмайдиган муаммоларга дуч келди. Уруш ва тинчлик, экологик фалоқатлар, маънавий қашшоқлик, наркобизнес, терроризм каби муаммолар ана шулар жумласидандир.

XXI аср бошларига келиб дунё мамлакатлари ўртасида ўзаро таъсири шу қадар кучайиб кетдик, бу жараёндан тўла ихоталаниб олган бирорта ҳам давлат йўқ. Глобаллашувнинг турли мамлакатларга ўтказаётган таъсири ҳам турлича. Бу ҳол дунё мамлакатларининг иқтисодий, ахборот, маънавий салоҳиятлари ва сиёсати қандай экани билан боғлик.

Глобаллашув (глобализация) - лотинча «глоб» сўзидан олинган бўлиб, айнан уни «думалоқлашув», «куралашув» деб таржима қилиш мумкин. Ер шарининг, Ер куррасининг фан-техника ютуклари туфайли инсоният ихтиёридаги худди бир бутун шарга, курага айланишини тушунтириш учун ишлатилади. Инсоният тараққиёти Айни вактда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш жараёнидир. Бу жараён асрдан асрга, минг йиллар давом этган...

Глобаллашув - турли мамлакатлар иқтисоди, маданияти, маънавияти, одамлари ўртасидаги ўзаро таъсири ва боғлиқликнинг кучайишидир. Глобаллашувга берилган таърифлар жуда кўп. Француз тадқиқотчиси Б.Банди таърифида глобаллашув

жараёнининг 3 ўлчовли эканига ургу берилади:

1. Глобаллашув - муттасил давом этадиган тарихий жараён.

2. Глобаллашув - жаҳоннинг гомогенлашуви (бир жинсли) ва универсаллашуви жараёни.

3. Глобаллашув - миллий чегараларнинг «ювилиб кетиш» жараёни.

Россиялик А.Паршев глобаллашувга куйидаги таъриф беради: «Аслида, глобаллашувнинг асосий мазмуни бошқа мамлакатларда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг қўшимча қийматини, дунёдаги асосий заҳираларини ўзлаштиришдан иборат».

Глобаллашувнинг мамлакатлар иқтисодий сиёсати ва маънавиятига ўтказиши мумкин бўлган ижобий ва салбий таъсири хусусида Ҳиндистоннинг машҳур давлат арбоби Маҳатма Гандининг куйидаги сўзларида яхши ифодаланган: «Мен уйимнинг дарвоза ва эшикларини доим маҳкам беркитиб ўтира олмайман, чунки уйимга тоза ҳаво кириб туриши керак. Шу билан бирга, очилган эшик ва деразаларимдан кираётган ҳаво довул бўлиб уйимни ағдар-тўнтар қилиб ташлаши, ўзимни эса йиқитиб юборишини ҳам истамайман».

Шунинг учун ҳам миллий истиқбол ғояси бугунги глобаллашув жараёнида уйимизни, ҳаётимизни тоза ҳаво билан таъминлаб, айни пайтда, «довуллар»дан саклаш омили эканлигини англаш мумкин.

Глобаллашувнинг ижобий томони шундан иборатки, у халқларнинг,



International Journal For Advanced Research In Science & Technology

A peer reviewed international journal

www.ijarst.in

IJARST

ISSN: 2457-0362

давлатларнинг, миллий маданият ва иқтисодиётларнинг яқинлашишини тезлаштиради, уларнинг ривожланиш учун янги имкониятлар очади.

Глобаллашувнинг салбий томони шундан иборатки, кўп минг-минг майда, қолоқ этник гурухлар ва миллатларнинг маданияти, тили, расм-руслари жаҳон бўйлаб кучайиб бораётган глобаллашув жараёниларида катта миллатлар, йирик миллий маданиятлар, бой тиллар билан рақобатлаша олмай, ўз-ўзидан фаол ижтимоий-иктисодий, лисоний-забоний ҳаётдан четга чиқиб қолмоқда. Бундай шароитда ҳар бир онгли фуқаронинг вазифаси - ўз миллатининг рақобатбардошлигини кўтариш, бунинг учун унинг фаол сиёсати, тадбиркор иқтисодиёти, маданиятида салмоқли ютуқлари учун курашишдир. Бунинг учун мустақил Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси 4 та сифатга эга бўлиши керак: 1) замонавий мутахассис бўлиши; 2) ўзбек давлат тили, рус тили, инглиз тилларини мукаммал билиши; 3) доим ўз билим доирасини янгилаб бориши ва 4) тадбиркор-ташаббускор бўлиши керак¹.

Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви: Глобаллашувнинг ижобий натижалари. Глобаллашувнинг салбий оқибатлари. **Жаҳон майдонларини мафкуравий бўлиб олишга уринишлар:** Сиёсий (буюк давлатчилик шовинизми). Диний (диний экстремистик ва ақидапарастлик, панисломизм).

Бадиий (Фарб турмуш тарзини тарғиб қилувчи, Америкача турмуш тарзини тарғиб қилувчи, зўравонлик, ёвузлик ва бошқа аҳлоқизликларни тарғиб қилувчи. XX аср охири ва XXI аср бошларига келиб коммунистик ва социалистик партия таъсиридаги социализм лагери парчаланди. Дунё мамлакатлари ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларга бўлинди. Ана шу ривожланган баъзи мамлакатлар ўз миллий мустақиллигини кўлга киритган, ривожланаётган мамлакатларни, жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан бўлиб олишга уриммоқдалар. Булар қўйидаги ҳолатларда кўринади:

1. Буюк давлатчилик мафкураси.
2. Диний экстремистик мафкуралар.

¹ Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. Муаллифлар: М.Абдуллаев ва бошқалар. -Т.: Шарқ, 2006. - 528 6.

3. Пансоветизм мафкураси.
4. Панисломизм мафкураси.
5. Farb турмуш тарзини ифодалаган мафкуралар.
6. Америкача турмуш тарзини ифодалаган мафкуралар.

7. Турли диний сектоларнинг ғояларни ифодаловчи мафкуралар.

1. Буюк давлатчилик шовинизми – (**Шовинизм** - фран. буржуа миллатчилигининг ўта реакцион формаси). Шовинизм сиёсати бошқа миллат ва ҳалқларга нафрат ва душманликни авж олдиришга қаратилган. Шовинизм гўё тўлақонли бўлмаган бошқа миллатлар ва ирқлар устидан хукмронлик килишга даъват этилган бир миллатнинг алоҳидалигини («мумтозлигини») тарғиб этади.

Шовинизм баъзи кўп сонли миллатларнинг нафақат кўп миллатли империя доирасида, балки уни ураб турган жўғрофий - сиёсий маконда ҳам ўзининг мутлақ хукмронлигини ўрнатиш учун курашда намоён бўлади. Давлат етакчи мавке (давлат) га эга бўлган, ўз миллатини «олий» миллат деб эълон қилган миллат хукмрон эксплуататор синфларининг идеологияси ва сиёсати бўлган буюк давлатчилик шовинизм, шовинизм ва миллатчиликнинг бир туридир.

Мустақил Ўзбекистон учун бугунги кунда буюк давлатчилик шовинизми ва агресив миллатчилик туғдираётган таҳдидларнинг реал хавфи қўйидагилардан иборат:

- 1) Халқаро, давлатлараро ва элатлараро қарама-қаршиликни келтириб чиқариш.
- 2) Халқаро-хуқуқий ва ички давлат суворенитетимизни рўёбга чиқаришга қаршилик кўрсатиш.
- 3) Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқаларини чегаралашга, уларни тенг хуқуқли бўлмаган шароитга солиб қўйишга уриниш.
- 4) Мамлакатимиз аҳолисига электрон, радио-ахборот воситалари орқали мафкуравий йўл билан тазийқ ўтказиш, жаҳон афкор оммасида Ўзбекистон ҳақида нотўғри тасаввур туғдиришга интилиш.

5) Миллатлар ўртасидаги ўзаро ишончсизликни келтириб чиқариш, миллатлараро муносабатларни кескинлаштириш.

6) Янги мустамлакачилик ва янги империячилик ёндашувларини зўрлаб қабул килдириш, ҳамма соҳалардаги ўзаро



International Journal For Advanced Research In Science & Technology

A peer reviewed international journal

www.ijarst.in

IJARST

ISSN: 2457-0362

манфаатли ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликни секинлаштириш хавфи.

2. Панисломизм - XIX аср охирида Ўрга Шарқдаги мусулмон мамлакатларида вужудга келган диний - сиёсий оқим. Асосчиси - Жамол ад-дин ал-Ағоний. Панисломизм тарафдорлари мусулмонларнинг «бирлиги» ва уларни халифа раҳбарлигидаги ягона мусулмон давлатига бирлаштириш зарурлиги гоясини илгари сурган. Айни вактда панисломизм тарафдорлари диний ислоҳотчилик позициясида туриб, ислом динини давр талабларига мувоғиқ ислоҳ қилишга интилганлар.

XX аср бошларида Туркия султонлари бу назариядан фойдаланиб, мусулмон халқларини ўз қўл остида бирлаштиришга уринган. Бу оқим Ваҳҳобийлар, «Ҳизбуттахрир» каби диний оқимларда бугунги кунда Ўзбекистонда халифалик давлатини тиклаш учун уриниш бўлди.

«Панисломизм» гоясида ҳозирги кунда турли христиан конфессиялари ҳам тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бормоқдалар.

XX аср бошларида қуидаги оқимлар ҳам мавжуд бўлган.

3. Пантуркизм - большевизмнинг ашаддий душмани эди. I жаҳон уруши арафасида «Ёш турклар партияси», Россияга қарши уруш очища ҳалифа ташвиқоттарғибот қуроли вазифасини ўтади, жадидчилик ҳаракатини авж олдиришда бош ролни ўйнади. Пантуркизм оқими, унинг сиёсати Татаристон ва Бошқиристон ўлкаларига 1912 йиларда кириб келди. Большевизм XX аср 20-30 йилларда уларни «миллатчилик»да айблаб, «Шўрга қарши» сифатида бош лидерларини кириб ташлади.

Пантуркистлар - оқ ва қизил империя истибодига, адолатсизлик ва тенгсизликка қарши курашган, озодлик ва мустақиллик йўлида жон фидо қилганлар сифатида тарихда колишди. Улар қонхўрлик, хунрезлик ва зулмга қарши адолат учун курашувчи халқпарварлар эди.

1) Россияда большевиклар томонидан «муштумзур - помешник» хисобланган Кондратьев гурухи «Саноат партияси» юзага келган.

2) Татаристонда панисломизм ва пантуркизм оқимлари сифатида «Султон Алиевчилик» қарор топган эди.

3) Кримда «Ибраҳимовчилик».

4) Озарбайжонда «Миллий партия».

5) Ўзбекистонда

«Мунаварқоричилик» - «Миллий истиқлол» маҳфий партияси фаолият кўрсатган.

4. Пансоветизм. Буюк давлатчилик шовинизми бугунги кунда пансове-тизм билан ўзига хос тарзда кўшилиб кетган. Пансоветизм тушунчаси узоқ вақт давомида бир иттифоқ доирасида яшаш натижасида ижтимоий-маданий ҳаётда юзага келган муайян яқинлик, ўхшашик, умумийлик, иқтисодий алоқадорлик ва боғлиқликни мутлақлаштиришга асосланган.

Аммо, Президентимиз уринли таъкидлаганидек, бундай қарашлар ортида ҳам сода кишиларнинг бош-кўзини айлантириб, ўз умрини яшаб бўлган гояларини ҳаётимизга қайтадан тиқишиштиришга, шу йўл билан яна эски тузумни тиклашга, бир сўз билан айтганда, миллий ўзлигимизни йўқотишига қаратилган интилиш ётганлигини ёддан чиқармаслик зарур.

1. *Халифаликни тиклаш.*

2. *Ислом модерниши.*

3. *Ислом традиционализми,*

4. *Ислом фундаментализми.*

Бу оқимлар диний ва дунёвий ҳокимиятни ўзида мужассамлаштирган ҳалифа раҳбарлигидаги ягона мусулмон давлатига бирлаштиришни кўзлаган, соғлом мантиқа мутлақо зид даъводан иборат. XX аср 80-йилларида «Мусулмон биродарлари» ташкилотининг фракцияларга бўлинниб кетиши натижасида қуидаги диний ташкилот ва партиялар ҳам юзага келган:

- 1) «Ислом озодлик партияси»
- 2) «Социал ислоҳотлар жамияти»
- 3) «Ат - Такfir вал - Ҳижра»
- 4) «Жунуд Аллоҳ»
- 5) «Жиҳод»
- 6) «Ҳизбуллоҳ» каби.

Бундан бошқа яна қуидаги диний оқимлар ҳам мавжуд:

1. Ваҳҳобийлик (XVIII асрда пайдо бўлган).
2. Аҳмадия (IX асрда Покистонда).
3. Ҳизб-ат-тахрир (1953 йилда Истроилда - тушуниши, ҳаракат, тўнтариш).



4. Таблиғчилар - етказиши маъно. XX аср Хиндишонда, исломга чорлаш.
5. Ақромийлар - 1997-1999 йилларда Фарғонада ва 2005 йил 12-13 майда Андижон ошим сардорига бўйсуниш (Ақром Йўлдошев бошчилигидаги).
6. Нурчилар - Туркияда, ҳокимият учун курашга чорлаш.
7. Тавба-экстремистик руҳдаги ҳаракат. Бокуда ва Ўзбекистонга (1991 йил).
8. Ислом уйғониш партияси - 1989-1991 йилларда Тоҷикистонда.
9. Ислом лашкарлари - 1990-1992 йилларда Наманганда «Отавали-хон» масжида.
10. Адолат -1990-1992 йилларда Наманганда пайдо бўлди.

Шу нуқтаи назарларни инобатга олганда жаҳондаги глобаллашув жараёнлари ана шу фояга бўлган эҳтиёжни кескин кучайтиради, глобаллашув жараёни бўлмаса, миллий фояга ҳам эҳтиёж ошмас эди. Чунки глобаллашув бўлмаганда ҳар бир ҳалқ ва миллатнинг маънавияти ўзича мавжуд булар ва имконият даражасида ривож топарди. Ташки таъсир ва таҳдиднинг йўқлиги эса миллий фояга эҳтиёжни ҳам долзарблаштирmas эди.

Миллий истиқлол фоясининг моҳияти шундаки, у одамлар онгиди, хотирасида фоялигича қолмай, амалиётга, ҳаётга айланган тақдирдагина ҳақиқий миллий ва ҳақиқий истиқлол фояси бўлиши мумкин. Шундагина у глобаллашув шароитида миллий маънавиятни ва маънавий узликни ташки носоғлом фоявий таҳдидлардан химоя қиласидан кучга айланади.

Бугунги кунда инсон онги ва қалби учун кураш кескин тус олаётган экан, хилма-хил қарашларнинг мафкура майдонида ҳукмронлик қилишга интилиши табиий, албатта. Бунга эътиқод умумийлигига асосланган ҳолда якка мафкура ҳукмронлигини таъминлаш орқали жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан ўзига қарам қилишга бўлаётган ҳатти-ҳаракатларни мисол келтириш мумкин.

Диний ақидапарастлик ҳам шулар жумласидандир. Масалан, ислом динидаги ҳозирги ақидапарастлар ижтимоий, миллий

хусусияти, қайси давлатга мансублигидан қатъий назар, барча мусулмонларнинг маънавий бирлиги ҳақидаги тасаввурларга таяниб, уларни ягона ҳалифалик остида сиёсий бирлашув фоясини асослашга ҳаракат қиласи. Кўриниб турибдики, бу идеология диний асосда бирлашув фоясини биринчи ўринга қўяди.

Аммо, жиддий эътибор бериладиган бўлса, **биринчидан**, улар миллий суверенитетдан воз кечиш ҳисобига ягона давлат тузишни кўзлаётганликлари маълум бўлади. **Иккинчидан**, ҳалифаликни тиклашга, унинг тўғри эканини асослашга уринувчилар, бу ҳол айнан миллат сифатида ўзлигимизни англашга йўл кўймаслигини яширадилар. Бу фояни тақиширишда улар бизнинг ислом динига эътиқод қилишимизга алоҳида урғу берадилар. Бундан ташқари, бу оқим тарафдорлари ҳалифалик байробги остида бирлашишини ноисломий дунёга қарши туриш мақсади билан боғлашларини ҳам таъкидлаш зарур.

Бундай ёндашув ўта хавфли эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Зеро, у инсониятнинг диний асосда қарама-қарши кутбларга бўлиннб кетишига, баъзан «цивилизациялар тўқнашуви» деб аталағидан ҳодисанинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

Мафкура ва мафкуравий тарбия масаласи ўз мустақиллигини кўлга киритган, демократик, ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамиятининг асосларини яратадиган мамлакатимиз учун ҳам мухим ҳаётий аҳамиятта эга бўлиб қолмоқда. Зеро, кўзланган мақсадларга ушбу орзу-умид ва интилишларни ўзида мужассамлаштирган фоявий-назарий қарашлар мажмуи бўлмиш миллий мафкура ва унга асосланган тарбия тизимисиз эришиш мумкин эмаслиги аниқ.

«Мен, - деб ёзди Президентимиз, - Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир» деган фикрини кўп мушоҳада қиласман.

Буюк маърифатпарварнинг бу сўзлари асrimiz бошида миллатимиз учун қанчалар мухим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра мухим ва долзарбdir» (Каримов И.А. Асарлар. Т.7. 93-94-бетлар).

Бу масаланинг долзарблиги юқорида қайд этилган мафкура шаклларининг хавфини бартараф этиш зарурлиги билан ҳам белгиланади. Зеро, Президентимиз



тәкілділігіндегі, “Фояға қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаһолатта қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш мүмкін”.

Бунинг учун ёш авлодни миллій ғоя, мұстакиллік мағкурасы руҳида тарбиялаш, улар онгіда ватанпарварлық, инсонпарварлық, иймон – әттиқод түйгүсіні шактлантырыш, шу асосда бозор иқтисодиётіга ўтиш даврининг фидайиси қилиб тарбиялаш бугунги күннінг асosий вазифасидір.

Фойдаланган адабиёттар рўйхати:

1. Махмудова А. Н. и др. Медицина Узбекистана-достижения и перспективы развития сферы //Достижения науки и образования. – 2020. – №. 3 (57).
2. Махмудова А. Н. и др. Роль молодого поколения в формировании современного гражданского общества //Достижения науки и образования. – 2020. – №. 3 (57).
3. Nugmanovna M. A. The role of social control in the legal socialization of the individual //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2020. – Т. 10. – №. 5. – С. 712-721.
4. Makhmudova A. N. Legal socialization problems of personality in modern civilian society //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2019. – Т. 1. – №. 3. – С. 146-151.
5. Nugmanovna M. A. Factors and means of the content of legal socialization of the individual in modern civil society Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems
6. Джуракулов Х. А. Роль экологического правового сознания в развитии международных эколого-политических отношений //Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук. – 2017. – №. 7-1. – С. 23-26.
7. Джуракулов Х. А. Необходимость трансформации экологических правовых знаний при формировании правового сознания молодежи //перспективы развития науки в современном мире. – 2019. – с. 140-146.
8. Djurakulov H. Pedagogic-didactic tasks of forming ecological legal consciousness of young generation //Modern jurisprudence: legal thought and enforcement practice. – 2017. – С. 4-8.
9. Djurakulov H. A. Необходимость согласования социальных и политических методов и средств в формировании экологического правосознания //theoretical & applied science. – 2020. – №. 1. – с. 262-265.
10. Вафаева Д. Б. Некоторые вопросы социального партнерства между органами государственной власти и институтами гражданского общества: опыт Узбекистана //Актуальные вопросы современной науки. – 2017. – №. 1. – С. 28-31.
11. Вафаева Д. Б. Деятельность и перспективы развития институтов гражданского общества в Самаркандской области (Узбекистан) //Актуальные вопросы современной науки. – 2016. – №. 2. – С. 49-53.
12. Вафаева Д. Б. Влияние политического сознания на формирование и развитие гражданской культуры //International scientific review. – 2020. – №. LXX.
13. Suyunova K.B. // Governmental support of innovation in the sphere of tourism // INNOVATIONS IN ECONOMY №4 (2020), 79 p.
14. Мажидов Ш. Ф. К вопросу об этнокультурной безопасности (на примере Центральной Азии) //Власть в логике и риторике межнациональных и межконфессиональных отношений. – 2017. – С. 78-81.
15. Мажидов Ш. Ф., Сайдова Х. Реформы в сфере образования и личность преподавателя //Образование через всю жизнь: непрерывное образование в интересах устойчивого развития. – 2007. – Т. 5.



International Journal For Advanced Research In Science & Technology

A peer reviewed international journal

www.ijarst.in

IJARST

ISSN: 2457-0362

16. Мажидов Ш. Развитие этнокультурных процессов в центральной азии и центральной европе: сравнительный анализ //Общество и этнополитика. – 2015. – С. 352-356.
17. Sabirovna S. G. Innovative thinking and heuristics //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2020. – Т. 10. – №. 4. – С. 568-574.
18. Sultanova G. Metodology and way of thinking in postnonclassical phylosophy (epistemological analysis) //Міжнародний науковий журнал. – 2016. – №. 6 (3). – С. 94-96.
19. Sultanova G. Metodology and way of thinking in postnonclassical phylosophy (epistemological analysis) Концептульные проблемы постнеклассического стиля научного мышления //В журнале опубликованы научные статьи по актуальным проблемам современной науки. Материалы публикуются на языке оригинала в авторской редакции. Редакция не всегда разделяет мнения и взгляды авторов. Ответственность за достоверность фактов, имен, географических названий, цитат, цифр и других сведений несут авторы публикаций. При использовании научных идей и материалов этого сборника, ссылки на авторов и издания являются обязательными. – 2016. – С. 94.
20. Махмудова А. Н. Правовая социализация молодого поколения в правовом государстве //дистанционные возможности и достижения науки. – 2020. – С. 97.
21. Махмудова А. Н., Ахмеджанова Д. М. Вопросы воспитания гармонично развитой молодежи в воззрениях джадидов и современность //Главный редактор. – 2017. – С. 90.
22. Nugmanovna M. A., Kamariddinovna K. A. Modern biotechnical problems of medicine and their solutions //Archive of Conferences. – 2021. – Т. 13. – №. 1. – С. 169-173.
23. Salizhonovna S. Y., Ziyodullaevna M. M. Issues of social justice and punishment in temur's structures //Archive of Conferences. – 2021. – Т. 13. – №. 1. – С. 165-168.